

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ЭПИДЕМИК

ЖАРАЕНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

Хамзаева Н.Т., Сайдкасимова Н.С.,

Матназарова Г.С., Ахмедов Ф.А

Тошкент Тиббиёт Академияси

Бугунги кунда инфекция манбай касал одам, шу жумладан касалликнинг инкубация давридаги ва SARS-CoV-2 нинг асимптоматик ташувчиси эканлиги маълум. Бошқалар учун энг катта хавф инкубация даврининг охирги икки кунида ва касалликнинг биринчи кунларида бемор одам томонидан юзага келади. Шу билан бирга, инфекцияни юқтириш ҳаводаги томчилар, ҳаводаги чанг ва майший мулоқот йўли орқали амалга оширилади. SARS-CoV-2 инфекциясининг юқишининг етакчи тарқалиш йўли ҳаво-томчи йўл бўлиб, бемор йуталганда, аксирганда ва яқин (2 метрдан кам) масофада гаплашганда содир бўлади. Касаллик майший-мулоқот йуллари орқали юқиши мумкин. Бу bemор одам билан қўл сиқиш ва бошқа турдаги юзма-юз мулоқотда бўлганда, шунингдек, вирус билан ифлосланган юзалар ва жиҳозлар орқали содир бўлади. COVID-19 билан касалланган bemорларнинг нажас намуналарида, тадқиқотчилар SARS CoV-2 RNK сини аниқлаганлар, аммо фекал-орал юқтириш механизми орқали инфекция юқиши хавфи паст . Адабиётлар тахлили ва кўплаб илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар SARS-CoV-2 нинг одам ичак эпителиал хужайраларини тўғридан-тўғри заарлаши ва COVID-19 билан касалланган кўплаб bemорларда гастроэнтерит ривожланиши ҳақидаги маълумотларни келтирганлар. Ушбу маълумотлар, яъни COVID-19 касаллиги билан касалланган кўплаб bemорларда гастроэнтерит келиб чиқиши, касалликнинг фекал-орал механизми билан юқишини исботлайди. SARS-CoV-2 вирусида ошқозон-ичак трактида боғланиши учун рецепторларнинг мавжудлиги, олинган нажас намуналарида ушбу вирусларни нуклеин кислотаси

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

аниқланиши бўйича текширишнинг ижобий натижалари ва беморларнинг тахминан 25-40 фоизида гастроэнтерит белгилари келиб чиқиши ўртасида кучли боғланиш борлигини исботлайди.

Олиб борилган тадқиқотларда 71 нафар болалардан назофаренгиал ва нажас намуналарини SARS-CoV-2 RNK исига текширилганда 15 нафар боланинг (21,1%) нажас намуналарида SARS-CoV-2 RNKси аниқланди; 13 таси симптоматик, иккитаси эса асимптоматик касалланиш ҳолатлари аниқланган. Назофаренгеал соҳада 7-14 кунгача ва нажас намуналарида 7 дан 21 кунгача қўзғатувчи ажратиб туриши кузатилган. Гастроэнтерит намоён бўлган беморлар ичак фаолиятини тиклашга қаратилган муолажаларни олишлари керак. Бундан ташқари, SARS-CoV-2 инфекцияси сабаб, ичак микрофлорасидаги ўзгаришларни тиклаш учун гастроинтеритни даволашда самарали стратегияларни ишлаб чиқиш учун қўшимча тадқиқотлар олиб бориши талаб этилади. COVID-19 вирусининг турли йўллар орқали юқишини ва тарқалишини олдини олиш ва самарали бошқариш учун касалликка қарши бирламчи ва иккиламчи профилактика ишларини такомиллаштириш даркор. Келажакдаги тадқиқотлар ичак микрофлорасини тиклаш, пробиотиклар ва овқатга фаол қўшимчаларни қўллаш орқали бола организмини SARS-CoV-2 қаршилигини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Бундан ташқари, SARS-CoV-2 ни назорат қилиш учун бир нечта вирусли РНК ларга қаратилган дорилар ва вакциналар ишлаб чиқилиши керак. Ушбу вирусларнинг вирулентлигини тушуниш ва иммунитет тизимини оширишга қодир бўлган самаралироқ дори дармонларни ишлаб чиқиш учун вирусли инфекцияга хос ҳужайранинг иммун жавобини ўрганиш ҳам кафолатланади. SARS-CoV-2 вирусининг ичак трактига кириш механизмларини, натижада келиб чикадиган ошқозон-ичак тизимидағи ўзгаришлари ва организмнинг инфекцияга қарши иммунитетини ўрганиш беморларда вирусли инфекцияларни бошқариш учун такомиллаштирилган профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишида ёрдам бериши мумкин. Илмий изланишлар натижасида муаллифлар томонидан

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

COVID-19 инфекциясининг тиббий ёрдам кўrsatiш билан боғлиқ инфекция сифатидаги ўрни аниқланди, чунки дастлаб пандемия даврида тиббиёт ходимлари касбий вазифаларини бажаришда, бемор билан узоқ вақт давомида мулокотда булганлар инфекцияни юқтириш хавфи юқори бўлган]. Эпидемиологик хавфсизлик, шу жумладан шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш. Шу билан бирга, bemorлар билан мулокотда булгандан сўнг, муассаса ходимлари кийимида, соchlарида, терисида вирус мавжудлиги, шунингдек, вируснинг такрорий юкиш эпизодлари натижасида улардан контакт орқали юқиши мумкин бўлган инфекция манбаи хам бўлиши мумкин. Эпидемиялар пайтида яни олдини олиш чораларига риоя қилинмаган холатларда, уюшган жамоалар ва ёпиқ ташкилотларнинг жамоаларида COVID-19 эпидемияси ўчоқларини шакллантириш хавфи мавжуд. Хитойнинг Уҳанъ шаҳрида 2019 йилнинг декабр ойидан бошлаб, оғир ўткир респиратор коронавирус (SARS-CoV-2) томонидан қўзғатилган атипик ўпка зотилжами авж ола бошлади ва ЖССТ томонидан ҳалқаро соғлиқни сақлашда фавқулотда ҳолат деб эълон қилинди . Вирусли инфекциянинг тарқалиши дастлаб Уҳанда мавжуд бўлган денгиз маҳсулотлари улгуржи бозоридан бошланганлиги турли тадқиқотларда келтирилган ва дастлаб вирус хайвондан одамга юқсанлиги тўғрисида маълумотлар манбаъларда келтирилган. Аммо шунга қарамай вируснинг геноми устида ўтказилган тадқиқот натижаларида келтирилишича, уни бозорга келиб тарқалишидан олдин бошқа жойда келиб чиқсанлиги ва у ердан одамдан - одамга тез тарқалганлигини муаллиф томонидан илмий исботлаб берилди. SARS-CoV-2 нинг одамдан - одамга юқиши бу касаллик тарқалишининг асосий йўли саналиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлиб ҳизмат қилди. Аммо шу кунга қадар лабораторияларда тасдиқланган коронавирус инфекц аҳоли гурухлари (популяциялар) орасида қандай тарқалиши номаълум бўлиб қолмоқда. Тиббиёт ходимлари ва соҳа мутахассислари, касалликка чалинган оила аъзолари орасида вирусни юқишида одамдан-одамга юқиш йўлини кўплаб

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

олимлар таъкидладилар. Бундай юқиши шакли қачонки бемор билан яқин мулокотда (1-1.5 см масофада) бўлганда ва бемор гапирганда, йуталганда ҳаво томчилари орқали содир бўлади. Бундан ташқари бемор йуталганда ва гапирганда ҳавога тарқаладиган аэрозоллар беморнинг атрофидаги юзаларга ўтириб тўрт кунгача сақланиб қолиши адабиётларда келтирилган. Олимлар томонидан олиб борилган бошқа бир илмий-тадқиқот ишида келтирилишича SARS-CoV-2 нинг тарқалишининг икки йўли мавжуд: ҳаво-томчи йули орқали (касалланган одамдан ҳаво томчилари орқали вируснинг соғлом одамга юқиши), билвосита майший мулокот йули (вирус билан заарланган нарса-буюмлар, анжомларга тушган ҳаводаги турли зарралар орқали юқиши), ҳамда шахсий ҳимоя воситалари орқали юқиши мумкин бўлган эҳтимоллари келтирилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, SARS-CoV-2 вирусининг одамдан – одамга юқиши асосан нафас олиш жараёнидаги ҳаво томчилари орқали, бемор йуталганда, аксирганда ва ҳаттоқи гапирганда ҳам содир бўлиши мумкин. Ҳаво томчилари, яъни аэрозоллар одатда деярли икки метрдан узоқ масофага тарқалаолмайди ва чекланган вақт мобайнида ҳавода сақланиб қолади. Шу билан бирга вируснинг ҳавода юқимлилик даражасини сақланиб қолишида ва узоқроқ масофага тарқалишида кичик диаметрли 5 микрондан кичик бўлган (PM-5, PM-2.5) қаттиқ заррачаларнинг роли ҳам муҳим саналади . Дунё олимлари томонидан олиб борилган илмий – тадқиқот ишлари натижаларида келтирилишича атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафас олиш йўллари касалликлари тарқалишида хавф омили саналади ва у микроорганизмларни ташиш билан бир қаторда инсон иммун тизимиға ҳам салбий таъсир қўрсатади. Олимлар томонидан олиб борилган бир нечта тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики ҳаво олиш орқали аэрозол юқиш механизмиға эга бўлган баъзи вирусли касалликлар бемор одамдан икки метр масофагача тарқалиш имкониятига эга, натижада фақатгина ҳаво томчи орқали ва яқин мулокотда булиш орқали юқишига асосланган эпидемиологик моделлар COVID-19 нинг тарқалишидаги минтақавий фарқларни тўлиқ тушунтириб берга олмади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

боғлиқ метеорологик омилларнинг, чангланганлик ва вирус билан ифлосланган оқова сувларнинг вирусли инфекциялар тарқалишидаги тутган роли тўғрисида илк бор бир нечта тадқиқот ишларида кўриб чиқилган ва ҳар ҳил ҳарорат ва намлиқда турли типга оид вируслар аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг баҳолашича (World Health Organization, 2018) ҳар йили етти миллионга яқин одам PM2.5 зарралари таъсирида вафот этади, улар тўғридан-тўғри нафас олиш тизимиға кириб боради ва ўпка тўқимаси, ўпканинг қон томирларига ўрнашиб ўпка саратони, сурункали обструктив ўпка касалликлари, юрак-қон томир тизими касалликлари ва пневмония каби турли нафас йўллари юқумли касалликларини чақиради. Тайванда олиб борилган илмий - тадқиқот ишида келтирилган эпидемиологик таҳлилга кўра ҳаводаги коронавирус инфекциясининг тарқалишига PM2.5 типидаги қаттиқ зарралар бевосита ташувчи (транспорт) вазифасини ўтаган. Хитойда утказилган илмий - тадқиқот иши натижаларига кўра ҳавонинг майдага дисперсли чанглар билан ва турли кимёвий заарли омиллар билан ифлосланиши (PM2.5, PM10, NO₂ and O₃) ва COVID-19 инфекцияси билан касалланишлар ўртасида ўзига ҳос боғлиқлик аниқланган. Хитойлик олимлар тадқиқот ишлари хулосасида ахолининг ҳаракатчанлиги ва ҳаводаги қаттиқ заррачалар (PM2.5, PM10) COVID-19 нинг юқиши хавфини ошириши тўғрисидаги гипотезани келтиришган . Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда беморни алоҳида хонага ажратиб куйиш (изоляция), хона ҳавосини вентиляция ёрдамида янгилаб туриш ва дезинфекция воситаларини тегишлича равишда қўллаш коронавирус инфекциясининг ҳаво аэрозоллари ёрдамида тарқалишини чеклаши мумкин. Турли илмий изланишлар натижаларига асосланган ҳолда кўплаб мамлакатлар коронавирус инфекциясига қарши тизимли ва самарали бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда ва ҳаётга тадбиқ қилмоқда. Бундан ташқари COVID-19 вирусини одам тугридан-туғри ифлосланган юзалар билан мулокотда (контакт) булганлигига юқтириб олиши ҳам мумкин. Юзаларда мавжуд бўлган вируслар кўз шиллиқ пардасига, бурун ва

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

офиз бўшлиғига тушиши оқибатида одам вирус билан заарланиши мумкин. COVID-19 вирусининг одамдан-одамга юқиши қўплаб тадқиқот ишларида ўз исботини топди, аммо SARS-CoV-2 вируси билан заарланган ҳайвонлардан одамга юқиши ҳозирги кунгача номаълумлигича қолмоқда. Уҳанда вирусни дастлабки пайдо бўлишига сабабчи манба бу денгиз ҳайвонлари бўлиши мумкин деган фикрларни ҳам инобатга олиш даркор. Юқорида келтирилган далилларга асосланиб айтишимиз мумкинки, SARS-CoV-2 вируси бошқа коронавирус инфекцияси оиласига мансуб вирусларга нисбатан мураккаброқ юқиш меҳанизмига эга. Вирус юқори юқувчанлик хусусиятига эга ва вакцинациядан бошқа бир муваффақиятли ҳимояланиш чораси йўқ. Шунингдек, узоқ муддатли яширин (инкубацион) даври, касалликнинг асимптоматик клиник шакллари яширин булган bemorlarning мавжудлиги, вирусдан тузалгандан сўнг ҳам юқиш эҳтимоли мавжудлиги мавзуга доир тадқиқот ишларини долзарблигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матназарова Г. С., Хамзаева Н. Т., Абдуллаева Ф. О. Covid-19 Инфекцияси билан касалланиш курсаткичларини bemorlarning жинси, ёши, касби ва кунлар бўйича тахлили //ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 80-81.
2. Toshtemirovna K. N., Islamovna S. G., Sultanovna M. G. The Effectiveness Of A New Food Substance-A Hard Gelatin Capsule- " Sedan Bark" Is Being Studied In Children Who Have Recovered From The Coronavirus //British View. – 2023. – Т. 8. – №. 3.
3. MATNAZAROVA G. et al. The new coronavirus-COVID-19 in Uzbekistan //International Journal of Pharmaceutical Research (09752366). – 2020. – Т. 12. – №. 4.
4. Toshtemirovna X. N., Sultanovna M. G., Vali o‘g‘li M. R. O ‘zbekistonning koronavirusga qarshi kurashishdagi tajribasi, Koronavirus bilan uch yil //IQRO. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 207-211.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

5. Хамзаева Н. Т. и др. The Effectiveness Of A New Food Substance-A Hard Gelatin Capsule- " Sedan Bark" Is Being Studied In Children Who Have Recovered From The Coronavirus //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 201-207.
6. Rasulov S. M. et al. Improving the epidemiology, epizootiology, and prevention of echinococcosis in Uzbekistan //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 3029-3052.
7. Маденбаева Г. И. и др. ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ РАКОМ ПИЩЕВОДА В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАНЕ //Journal of new century innovations. – 2024. – Т. 49. – №. 2. – С. 37-44.
8. Сайдкасимова Н. С. и др. ПРОЯВЛЕНИЕ ЭПИДЕМИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА САЛЬМОНЕЛЛЁЗНОЙ ИНФЕКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ //Journal of new century innovations. – 2024. – Т. 46. – №. 2. – С. 182-189.
9. Nematova N. U., Khamzaeva N. T. TRANSMISSION OF HIV INFECTION THROUGH PARENTERAL MEDICAL PROCEDURES IN HEALTH CARE //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 8-10.
10. Rasulov S. M. et al. Improving the epidemiology, epizootiology, and prevention of echinococcosis in Uzbekistan //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 3029-3052.